

## Математика фан олимпиадаси натижалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон Қарорига мувофиқ ЎЗР ФА Математика институти ва Ўзбекистон Миллий Университети ҳамкорлигида шу йилнинг 4-5 март кунлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган Олий таълим муассасалари талаба-қизлари ўртасида олимпиада ўтказилди.



Математика фанидан анъанавий тарзда ўтказиладиган фан олимпиадасида институтимиз талаба кизларидан тузилган ТИҚХММИ жамоаси техника ва иктисодий ОТМ ўртасида фахрли 1-ўринни эгаллади. Умумий рўйхатда ЎЗМУ Математика факультети 3 боскич талаба қизлари 1-3 ўринни олган бўлсада, ТИҚХММИ талаба қизлари ҳам улардан қолишмаган ҳолда барча ОТМ орасида умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллашди.



ТИҚХММИ талаба кизлари ЎЗМУ Математика факультетининг юкори курс талаба кизлари билан баробар беллашиб математика соҳасига доир мураккаб математик масалаларни ечишди. Яқунда эса ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланишди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**